

2025 у. «04» ноябр

№ 486

«    »      20   г.

«ARIA SUG'URTA TASHKILOTI» AJ  
акциядорларига

«ARIA SUG'URTA TASHKILOTI» Aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида  
**ХАБАРНОМА**

**Хурматли акциядорлар!**

«ARIA SUG'URTA TASHKILOTI» AJ Кузатув кенгашининг 2025 йил 3 ноябрдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2025 йил 26 ноябрь куни Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 39 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 10:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 09:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 09:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2025 йил 20 ноябрь** ҳолатига тузилади.

**Кун тартиби:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2026 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий ташқи аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.
3. Жамият Бош директорига бир марталик мукофот тўлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 39 уй бўйича жойлашган «ARIA SUG'URTA TASHKILOTI» AJ нинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: [info@ariainsurance.uz](mailto:info@ariainsurance.uz).

Телефон: (71) 202-88-88

Бош директор



М.Р.Халилов